

Turkiston

1925 yildan chiqqan boshlagan

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI «KAMOLOT» YOSHLAR IJTIMOVI HARAKATINING GAZETASI


2002-yil 9 aprel, seshanba № 44 (14535)

9 АПРЕЛЬ — СОХИБКИРОН АМИР ТЕМУР ТУГИЛГАН КУН

Кўнглимиздаги Гап

Кунни кеча ўз ишини якунлаган иккинчи чақирик Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг саккизинчи сессиясида қўрилган масалалар қаторига "Суғурта фаолияти тўғрисида"ги, "Фуқароларнинг банклардаги омонатларини ҳимоялаш кафолатлари тўғрисида"ги, "Чиқиндилар тўғрисида"ги Қонун лойиҳаларининг киритилиши айни муддао бўлди. Негаки, Қонунлар бизга меъёр борлигини аниқлаб, онгли муносабат-муҳокамага чорлаб туради. Ҳар бир соҳага тегишли қонун-қоидаларнинг ҳукумат томонидан белгилаб қўйилиши, шубҳасиз халқнинг ҳуқуқий билими ошишига хизмат қилади. Президентимиз ушбу сессияда сўзлаган нутқида: "Биз дунёда ҳеч кимдан кам бўлмаймиз!" деган шioriни ўртага ташладилар. Уни амалга ошириш учун халқимизнинг ҳар бир вакили илғор замонавий билимлар билан қуролланган ҳолда келажак сари дадил одим босмоғи лозим.

Олимжон ХАЙТОВ,
Тошкент вилояти Қибрай тумани
"Солиҳ" фермер хўжалиги раҳбари



Эҳтиром

Баҳор нафаси дилларга шодлик улашайтган ушбу кунларда халқимиз яна бир тарихий санани нишонламоқда. Амир Темур бобомизнинг таваллуд кунларини нишонлаш ўриқлар ҳосилга кирган кунларга тўғри келишида ҳам ҳикмат бордек. Темурийлар тарихи Давлат музейида очилган кўргазмага қўйилган Алишер Алиқуловнинг "Амир Темурнинг Тўхтамиш билан жанги" номли асарини кўрган киши, беихтиёр ўзини ўша суронли жанг ичида ҳис қилади. Отлар пишқириги, жангчилар хайқириги қулқоқ чалингандай бўлади.

Таниқли rassom А. Жалоловнинг "Лой жанги" полотносида Амир Темурнинг мағрур қиёфаси, жангчиларнинг юзидаги ғалаба ифодаси атроф муҳитнинг лойгарчилиги, нам ва совуқ бўлишига қарамай томошабинга илиқлик бағишлайди.

М. Нуриддиновнинг "Амир Темурга байроқ ва ноғоранинг топириш маросими" асарида Амир Темурга пири Саид Барака томонидан осмонимиздай кўм-кўк ва уч ялтироқ халқа тасвирланган байроқ ва ноғора билан бирга бобомизга топирилайтган улкан масъулият ҳам маҳорат билан тасвирланган.

Маросим Чиноз шаҳрида бўлиб ўтади. Бир томонда, беклар, вазиру вузаролар ва ўғит билан Темурга юзланган пир қиёфаси бўлса, иккинчи томонда, бу маросимда иштирок этаётган сервиқор отлик аскарлар ва ниҳоят мағрур, сергайрат Амир Темур ўнг қўлини кўксига қўйиб нафақат бу — давлатнинг рамзи бўлган байроқ ва дўмбирани, балки бутун ҳокимият, тожу тахт ва буюк саркардалик масъулиятини ҳам ўз иродаси куч-қуввати ва чекисиз ақл идрокига таяниб қабул қилаётгани моҳирона тасвирланган.

З. Фахретдиновнинг "Зафар" асари ҳам дарҳол киши эътиборини ўзига тортади. Бу асар ҳажми ва хонанинг тўғри марказида бўлгани билан бир қаторда ўзининг жуда маънодорлиги билан ҳам ажралиб туради. Бунда гўзал Самарқанд ва жангда зафар қозониб қайтаётган Амир Темур тасвирланган. Асарда Амир Темурнинг ғалабасига гўё бутун дунё шерик бўлгандай туюлади.

Юқоридаги асарларни томоша қилган киши ўзбек халқининг буюк фарзанди, бобомиз Амир Темур ҳаётларига назар солгандай бўлади. Ҳамда бобомизнинг босиб ўтган йўли, ҳаммамизга ўрнак бўлгули адолатпарварлиги, буюк саркардалик маҳорати шундай усталик билан акс эттирилганки, ўзларининг улкан меҳнатларини аямай хизмат қилган мўйқалам усталарининг юксак ижод намуналаридан баҳраманд бўлади киши.

Нигора ФУЛОМОВА,
Темурийлар тарихи Давлат музейи ходими

Яқинда пойтахтимизда ташкил этилган "Бунёдкор" ёшлар телеклубида сибсат, иқтисод, журналистика, экология, тарих, халқаро таҳлил, маориф, спорт, санъат йўналишлари бўйича тузилган гуруҳлар фаолият кўрсатмоқда.

МАҚСАД — ПРОФЕССИОНАЛ ЖУРНАЛИСТЛАР ТАЙЁРЛАШ

Ёшлар ҳуқуқий онгини ошириш, улар дунёқарашини ўстириш ва жамиятдаги фаоллигини кучайтириш, шунингдек, миллий қадриятларимизни улар ондига сингдириш клубнинг ўз олдига қўйган асосий мақсад ва вазифаларидан биридир. Кунни кеча клубда фаолият кўрсатаётган "Ёш журналистлар" гуруҳи аъзолари ташаббус билан "Профессияларнинг қадриятлари" деб номланган таҳрирлар тайёрлаш — давр талаби мавзусида семинар бўлиб ўтди. Ривожланиб бораётган инфорацион технологиялар

журналистика соҳасида малакали мутахассислар етказиб беришни тақозо қилади. Шунингдек, тахрирларда меҳнат қилаётган ижодий ходимларнинг катта қисми шу соҳага ихтисослашмаганлиги журналист кадрлар тайёрлаш борасида ислоҳотлар олиб бориш заруратини юзага келтирмоқда. Оммавий ахборот воситаларига кадрлар тайёрлаб беришни олий ўқув юртлири билан тахрирларнинг ўзаро ҳамкорликларидан кўзга ташланаётган муаммолар бу борада аниқ тўхтама

рири О.Тошбоев, "Ёшлар" радиоканали муҳаррири З. Худойшукуровлар иштирокида юқоридаги масалалар муҳокама қилинди. Журналистларнинг ўз билим ва малакасини муттасил ошириб бориши, айтилик, муайян бир соҳага ихтисослашиши ҳам катта аҳамият касб этади. Йигилиш қатнашчилари шу хусусда ҳам тўхталиб ўтдилар. Тадбир иштирокчилари асосан талаба — журналистлардан иборат бўлиб, улар мутахассисларга ўзларини қизиқтирган саволлар билан мурожаат қилишди. Профессияларнинг тайёрлаш жараёнида вужудга келаятган муаммолар ечимини юзасидан мутахассислар билан биргаликда тақлифлар киритилди.

Лола СОАТОВА

«УМИД НИХОЛЛАРИ» БОҒИ

Маълумки, яқин кунлар ичида Фарғона вилоятида мамлакатимиз мактаб ўқувчиларининг "Умид ниҳоллари" мусобақалари ўтказилди. Айни кунларда вилоятнинг барча ҳудудида ушбу мусобақаларга қиз-қиз тийёрлик ишлари олиб борилмоқда. Шунинг билан таъкидлаш керакки, мазкур тадбир фарғоналик ёшларни руҳлантириб, янада фаолроқ иш ташкил этишга ундаётди.

Айтиш жоизки, Тошлоқ тумани ёшлари ҳам ушбу ёшлар байрамга ўзига хос совға тайёрладилар. Гап шундаки, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати туман Кенгаши Тўхтабоев номли қишлоқ фуқаролари йигини ҳудудида жойлашган Зоркент ширкат хўжалигидан ажратилган 6,3 гектар ер майдонидан ободонлаштириш ишларини амалга ошириш учун "Ёшлар боғи"ни барпо этиш ташаббуси билан чиқдилар. Ёшлар ташаббусини туман ҳокимлиги қўллаб-қувватлади.

"Умид ниҳоллари" спорт мусобақаларини республика мактаб ўқувчилари ўртасида ўтказилиши муносабати билан Ёшлар боғи "Умид ниҳоллари-2002" деб номланди. Яқинда "Умид ниҳоллари-2002" Ёшлар боғини барпо этиш учун ёшлар ташаббуси билан туман ёшларининг шанбалиги ташкил этилди. Шанбаликда 200 нафардан ортиқ ёшлар иш қуроллари билан иштирок этдилар. Бу шанбаликда нафақат мактаб ўқувчилари, балки маҳалла ёшлари, ўқув юртлири талабалари ҳам фаол иштирок этдилар. Шанбалик қатнашчилари учун иссиқ чой ташкил этилди.

Ботир ОМОН,
"Turkiston" мухбири

МУСТАҚИЛЛИК ҚАШФ ЭТГАН ЮАДУЗ

Сиз бажарган юмушларни ўзингиз каби қўйиллатиб бажариш қўлидан келмаган одамнинг бажарган ишини сиз ҳам ундай одамнинг баъзи қисмига қодир эканини тўғри англай билмаган одамлар бор. Бироқ, ўзидан қодирликни бир неча йўналишда тарбиялаб, ҳар бирида катта ютуқларга эришайтган кўп қиррали истеъдод эгалари ҳам кам эмас.

Шу йили Зулфия номлидаги Давлат мукофотига фан йўналиши бўйича тавсия этилиб, муносиб топилган Дилоромхон Бердиева ҳам шундайлар сирасига қиради. У 1978 йил 21 августда Қашқадарё вилоятининг Шаҳрисабз туманида туғилган. Тошкент Давлат тиббиёт институти талабаси. "Металлорганик бирикмалар-биология фаол моддаларнинг асосий синтез



ҳамда юрак ҳарорати уфуриб турган шеърлари билан кўнглиларга ҳам шифо беришни истайди. Ҳали ўқувчилик кезларидаёқ, "Дил изҳори", "Оқ орзулар тонги" номли шеърый тўпламлари чоп этилган эди. Утган йили бу сафга "Учрашса такрор" тўплами ҳам қўшилди. — Ютуқларини, 3-синфда ўқиб юрган пайтларимда бошланган, тасвирий санъат бўйича шаҳар миёсасида ўтказилган "Иқтидор" кўрнги-танловига биринчи ўринни олганман, — дейди юлдузини.

ХАРАКАТ ФАОЛИЯТИДАН

Ўзбекистон жаҳон тиллари университети-да Республика "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати билан ҳамкорликда Наврўз байрами тадбири бўлиб ўтди. Унда факультет талабалари қизиқарли чиқишлари билан йиғилганларни хушнуд этди. Бўлажак журналистлар санъат соҳасидаги қобилиятларини кўрсатишди. Кечадан "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий Кенгаши раиси Ботир Убайдуллаев ва бир қанча таниқли журналистлар ташриф буюришди.

Рустам ТОҒАЙМУРОД

Шерободлик "Камолот"чилар вилоят кикбоксинг федерацияси билан ҳамкорликда кикбоксинг бўйича ўсмир ёшлар ўртасида вилоят биринчилигини ўтказишди. Вилоят ёшларини Ватанга садоқатли қилиб тарбиялаш, ёшлар ўртасида оммавий спорт турларини ривожлантириш, кикбоксинг спортининг воҳадаги нуфузини ошириш, клублар сонини кенгайтириш, ёшларнинг бўш вақтларини намунали ташкил этиш, жисмонан бақувват, соғлом, баркамол йигит-қизлар сафини кенгайтириш, меҳр-оқибатни, дўстона муносабатларни ривожлантириш, ўсмир-ёшлар ўртасида гийҳвандлик ва жиноятчиликнинг олдини олиш, маҳоратли спортчиларни аниқлаш мақсадида ўсмир-ёшлар ўртасида кикбоксинг бўйича вилоят очик биринчилиги бўлиб ўтди.

Мусобақа 1985-1992 йилларда туғилган ўсмирлар ўртасида бўлиб, бунда Шеробод ва Музработ туманлардан 100 нафарга яқин спортчилар иштирок этиб, улар 30 вазн /20-71 кг.гача/ тоифасида беллашдилар.

Мусобақа кечгача давом этиб, 30 вазн тоифасида ҳам голиблар аниқланди. Голиблар "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати туман Кенгашининг фахрий ёрликлари ва қимматбаҳо совғалар билан тақдирландилар.

Чори ЖУМАКУЛОВ,
"Turkiston" мухбири

Қарияларни кадрлаш йили муносабати билан "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Қашқадарё вилоят Кенгаши ташаббуси билан "Оталар сўзи" вилоятдаги "Нуроний" жамғармаси ҳамкорлигида иш юритиб, унга уруш ва меҳнат фахрийлари, эл-юрт орасида ўзининг меҳнати ва ёшлар тарбиясига қўшган ҳиссаси ҳамда эришган ютуқлари билан ҳурмат қозонган ва кўзга кўринган, обрўли кекса авлод вакиллари аъзо бўлишган.

Клубни ташкил қилишдан асосий мақсад кексаларни кадрлаш, халқимизга хос бўлган асрий анъаналарни ҳурмат қилиш, жамиятда барқарорлик муҳитини шакллантиришда кекса авлод қўшаётган ҳиссасини ёритиш ва тарғиб қилишда уларнинг маслаҳат ва тавсияларини бериб боришдан иборат.

Кунни кеча клубнинг биринчи таъсис йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилиш кун тартибидеги белгиланган масалалар юзасидан Ҳаракатнинг вилоят Кенгаши раиси Д. Аллаев маъруза қилиб, клубнинг Низом ва Дастури, рамзи ва иш режаси билан йиғилганларни таништирди.

"Оталар сўзи" клуби раиси этиб вилоят "Нуроний" жамғармаси раиси Я. Иноятов сайланди.

Т. ЖҲРАЕВ

HUQUQIY MA'RIFAT

АДВОКАТИНГИЗ БОРМИ?

Адвокат — адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи рухсатномага эга бўлган, олий юридик маълумотли шахсдир.

Лекин адвокат ҳақидаги тушунча бизда унчалик шаклланимагандек туюлади. Чунки, кўпинча фуқароларимиз адвокатга фақатгина жиноий ишлардаги ҳимоячи сифатида қарашади ва фақатгина шу соҳа бўйича мурожаат этадилар. Аслида эса адвокатлар фаолияти турлича бўлиб, улар ҳуқуқий масалалар бўйича маслаҳат бериши, ҳуқуқий ҳужжатларни тузиши, фуқаролик ишлари, маъмурий — ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишлар бўйича суд ишларида ва бошқа давлат органларида, жиноий ва юридик шахслар олдидан вакилликни амалга ошириши мумкин.


Хорижий давлатларда шахсий ва оилавий адвокатлик тартиби кенг тарқалган. Бу фуқароларга жуда кўп имтиёзлар беради. Масалан, оила адвокати оиланинг барча аъзолари ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилади. Шахсий адвокатни эса фуқаро ёки юридик шахс ўзига ёллайди. Бу адвокат бир шахс манфаатини ҳимоя қилади.

Адвокат ёллаш учун фуқаро адвокатнинг розилигини олиб, у ишлайдиган ҳуқуқий идора раҳбарияти билан юридик ёрдам кўрсатиши ҳақида шартнома имзолайди. Шартномада миқдорнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, амал қилиш муддати кўрсатилади. Миқдор адвокатни қилган иши учун эмас, балки келажакда эҳтимоли бўлган ҳуқуқий низоларда, яъни жиноий ёки фуқаролик, ҳўжалик ишидаги хизматлари учун олдидан ҳақ тўлайди.

Адвокатнинг ҳаёти ва соғлиги давлат ҳимоясида бўлиб, уларни адвокатура ўз маблағлари ҳисобидан мажбурий суғурта ҳам қилади.

Дилрабо ЙҮЛДОШЕВА,
талаба

Бахром ЭРМАТОВ, Миллий кураш буйича Президент кубоги соҳиб



«КАМОЛОТ» ҚАНОТЛАРИ

ТАНИШИҒ: ХАРАКАТНИҒ ҚОРАҚАЛПОФИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КЕНГАШИ ФАОЛИЯТИ ҲАҚИДА

Интизор АБДУЛЛАЕВА, Тўртқул телевидениесининг икtidорли бш бошловчиси



Ёшларни бирлаштириш, соғлом турмуш талаблари асосида тарбиялаш, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини тўлиқ намойён этиш учун кулай шарт-шароит яратиб бериш, улар орасида маънавий ишларни ривожлантириш, аниқроқ қилиб айтганда ёшларнинг ҳақиқий таянчи ва суянчи бўлиш мақсадида Харакатнинг Қорақалпоғистон Республикаси Кенгаши томонидан ҳам бир қатор ишлар амалга оширилди.

Ёшларни иш билан таъминлаш мақсадида ишлаб чиқилган "Ёшлар ва бандлик" Дастурига асосан Харакатнинг Чимбой туман бўлими томонидан туман механика-иктисод коллежи базасида бошланган реконструкция қурилиш ишларига 90 нафарга яқин ёш йигит-қизлар жалб қилиниб, иш билан таъминланди.

Бундай амалий ишлар Харакатнинг Беруний туман бўлими томонидан ҳам амалга оширилди. Яъни, тумандаги "Мохира" хусусий чарм кийимлари тикши цехига бешта, Беруний кишлоқ-ҳўжалиги касб-хунар коллежи ёнида ташкил қилинган тикувчилик цехига олти нафар ёш қизлар ишга жойлаштирилди. Шунингдек, туман деҳқон бозори ёнида ташкил қилинган "Нон пишириш" цехига тўрт нафар, макарон тайёрлаш цехига икки нафар ёшлар ишга жойлаштирилди.

Ишонч янгила суларни, ташаббуслар билан ёшлар орасига кириб бориш ҳозирги куннинг долзарб масалаларини бири ҳисобланади. Бизда ана шундай ташаббусни Харакатнинг Эллиққалъа туман Кенгаши бошлаб берди. Улар, тумандаги олий ва ўрта махсус ўқув юрталарини битирганларни ва уларнинг ота-оналарини қорлаб Харакатнинг туман Кенгашидан амалиёт ва синовдан ўтишларини илтимос қилиб, мувожаат қилишлари ҳамда шу ернинг ўзида амалиётда юрган йигит-қизлар бошқа корхона-ташкilotлар томонидан ишга сўраб олинмиши қувонарли ҳол албатта. Шу билан бирга Эллиққалъа тумани Бўстон шаҳри Ойбек кўчаси 47 уйда яшовчи ота-онасидан айрилган, иккита укаси билан ёлғиз яшовчи 1981 йилда туғилган Пулат Қодиров оиласи оталиққа олинди. П.Қодировга Эллиққалъа туман ҳокимияти билан биргаликда моддий ёрдам берилди ва шаҳар коммунал хизмат кўрсатиш идорасига ишга жойлаштирилди.

Тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш ва уларни рағбатлантириш мақсадида ўтказилган "Ташаббус-2002" кўрик танлови ташкиллаштиришда "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Қорақалпоғистон Республикаси Кенгаши ҳам ўз ҳиссасини қўшди. Кўрик танловда "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Қорақалпоғистон Республикаси Кенгаши томонидан "Энг яхши ёш тадбиркор" номинацияси эълон қилинди. Бу номинациянинг голиби бўлиш ўзининг чеварлик маҳсулотлари билан Америка, Япония тадбиркорларида катта таассурот қолдирган шунанайлик 1984 йилда туғилган Дилбар Алламуратовга насиб қилди. Номинация голиби "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Қорақалпоғистон Республикаси Кенгаши томонидан ажратилган соғва билан тақдирланди. "Ёшлар ва тадбиркорлик" дастурига мувофиқ Харакатнинг шаҳар ва туман бўлимлари томонидан ҳам амалий ишлар қилинди. Жумладан, Харакатнинг Конликүл туман бўлими ёрдамида



БУРИЛИШ ДАВРИ

ҳўжалиги коллежи ёнида ташкил қилинган қисқа ўқув курсларида тахсил олдилар. Шунингдек, Харакатнинг Беруний туман бўлими ёрдами билан "Киятобод" жамоа ҳўжалигида яшовчи ёш ишбилармон Отабек Ибрагимов шу ҳўжалик ҳудудида жойлашган эски бўнаи қайта таъмирлаб, у ердан тикувчилик цехи ҳамда ун тегиримини қуришга эришди ҳамда туман "Пахтабани" билан болганиб О. Ибрагимовга 150 000 сўм микдорда имтиёзли кредит олиб берилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Қариялари кадрлаш йили" давлат дастурида кўрсатилган мақсад ва вазифаларни таъминлаш ҳамда кекса авлоднинг маънавий-ижтимоий манфаатларини ҳимоя қилиш, ёшларнинг доно маслаҳатчилари бўлган қарияларимизга эътиборни кучайтириш мақсадида "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Қорақалпоғистон Республикаси Кенгаши, Қорақалпоғистон Республикаси "Маънавият ва маърифат" маркази, "Нуроний", "Маҳалла" жамғармаларининг Қорақалпоғистон Республикаси бўлимлари билан биргаликда қўшма қарор қабул қилди. Ушбу қўшма қарорда "Қарияларни кадрлаш йили" давлат дастурига мувофиқ амалга оширилиши лозим бўлган вазифалар ва ўтказиладиган тадбирлар режаси аниқ қилиб кўрсатилди. Шунингдек, туман, шаҳар, маҳаллаларда ёлғиз ижтимоий ҳимояга муҳтож ёлғиз кексалар, уруш қатнашчилари, ногиронларни рўйхатга олиш ҳамда уларга амалий ёрдам кўрсатиш ишлари Харакатнинг шаҳар ва туман бўлимлари, бошланғич ташкilotлари томонидан бошлаб юборилди.

Ёшларнинг ҳуқуқий билимларини юксалтириш, ўз ҳақ-ҳуқуқларини билишлариغا қўмақлаш ҳамда Ватанимиз тарихини пухта ва мукамал ўрганиш асосида ватанпарварликни шакллантириш мақсадида Республика умумтаълим мактаблари, касб-хунар коллежлари ва академик лицейлари ўқувчи, талабалари ўртасида "Сиз қонуни биласизми?" "Сиз тарихни биласизми?" кўрик танловлари туман ва шаҳарларда қизиқарли тарзда ўтказилди. Бу кўрик танловларга жами 762 умумтаълим мактабидан 8847 та

Жамиятимиз таянчи ёшлар ҳисобланади. Уларнинг қандай муҳитда вояга етишлари, тарбия қўриб, таълим олишлари эртанги кунимизни белгилайди. Бугунги ёшларимиз юртимизнинг порлоқ келажagini яратиш учун турли жаҳабларда фаолият кўрсатиб келмоқдалар. Давлатимиз томонидан уларга алоҳида эътибор қилиниши эса Ёшларимизга ҳам руҳан, ҳам жисмонан куч бағишляпти.

"Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Қорақалпоғистон Республикаси Кенгаши томонидан қилинган ишлар бир мунча кўзга ташланарли. Ҳўжайли туманидаги 16-маҳалла ёшлари учун Харакатнинг туман Кенгаши ташаббуси билан спорт майдончаси қурилди. "Камолот"чилар томонидан оталиққа олинган шу ердаги ёшлар ҳиббонини кўкаламзорлаштириш ишлари Ҳўжайли педагогика коллежи талабалари билан биргаликда олиб борилмоқда. 50 минг дона мевали дарахт кўчатлари экилиб, аркилар қайта қазилди. Шу билан бирга спорт соҳасида ҳам бир қанча янгиликлар бўлди.

Ҳулоса қилиб айтганда, Харакатнинг бир йиллик фаолияти қорақалпоғистонлик ёшлар ҳаётида ҳам бурилиш даври бўлди. Олдимизга қўйилган вазифалар гоётада маъсулйатли эканлигини албатта, ҳис этамиз. Шу боис, ишонч билан айталамизки, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати ёшларнинг имкониятлар мактабига айланади.

Элзой БЕГМАНОВ, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракатининг Қорақалпоғистон Республикаси Кенгаши раиси

Компьютерда ишлашга қизиқишини ҳисобга олиб, уни компьютер курсида ўқитиш учун 12 минг сўм ажратдик. Утган йили "Ўзбекистон—Литва—Россия" қўшма корхонаси очилган эди. Унга 60 дан

ши ёшларнинг истеъодларини намойён қилишлари учун ва ёшларда Ватанга бўлган муҳаббат туйғусини юксалтириш мақсадида "Ватаним—менинг фахрим" мавзусида Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 10 йиллигига бағишлаб мақолалар кўрик-танловини эълон қилди. Кўрик танлов жорий йилнинг мартдан 2 декабргача ўтказиш кўзда тутилган. Бу йил Қарияларни кадрлаш йили, деб эълон қилиниши муносабати билан Харакатнинг туман Кенгаши 115 нафар нуроний қарияларнинг ҳол-аҳволдан хабар олиш, уларнинг оғирини енгиш қилишда амалий ёрдам бериш мақсадида Харакатнинг 200 та аъзоси жалб этилган.

Кўшкарбой ТУРАМУРАДОВ, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Ҳўжайли тумани Кенгаши раиси

Барно АБДУЛЛАЕВА, Эллиққалъа тумани Бўстон шаҳри 22-мактабдаги Харакат етакчиси



МИННАТ ДОРМАН

Ҳукуматимиз томонидан ёшларга катта эътибор қаратилмоқда. Айниқса, уларнинг билим олишлари, маънавий савиясини юксалтиришлари учун алоҳида имкониятлар яратилмоқда. Шу ўринда "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракатининг ёшларга қўрсатган ғамхўрлигини алоҳида таъкидлаш лозим. Мен Харакатнинг Эллиққалъа туман бўлимига иш сўраб Кенгаш раиси Д. Шариповага учрашдим. Бу ерда ёшларга катта эътибор қаратилганлиги сабаби иш бошлашга муваффақ бўлдим. Эллиққалъа туман халқ таълими бўлими ташкилотининг ёрдами билан компьютер оператори бўлиб ишга ўтдим. Туманимиз ёшларининг билим олишга бўлган қизиқишларини орттириш, келажакка ишонч билан қарашларида кўмак бўлаётган "Камолот" га ишониларини хоҳлар эдим. Икtidорли ёшларни танлаш, уларни қўллаб-қувватлаш борасида Харакатнинг бугунги кунда олиб бораётган ишлари тахсинга лойиқдир. Менга ҳаётда ўз ўрнини топишда тўғри йўл кўрсатган ёшлар ташкilotидан миннатдорман.

Ёдгор БЕКЧОНОВ

МЕҲРИНГАН ҚАЛБЛАР

ёки ногирон болалар Ватан ҳақидаги кўшиқни имо-ишора билан қуйламоқда

Етти иклимга машҳур Самарқанд шахрининг гўрбий қисмида жойлашган сўлим гўша — Кимёгарлар кўрғонидаги 61-сонли ногирон болалар махсус мактаб-интернатида 300 нафарга яқин ўсмирлар тарбияланмоқда. Уларнинг тарбияланмишлари ва ўқишлари учун барча шарт-шароитлар яратилган.

— Биласизми, фаолиятимиздаги айрим қийинчиликлар шундаки, болаларимиз эшитиш ва гапиришдан маҳрум. Улар билан махсус тил — имо-ишора ва ҳаракатлар орқали мулоқотда бўлаемиз, ўргатаемиз, аниқроғи, ўқитамиз, тарбиялаймиз, — дейди мактаб директори, мוזир педагог Гуляра Ибрагимова. — Бу сўзлашув доимий тақоррорланб, тадрижий ривожлантирилиб борила-маса меҳнатимиз зое кетади.

Болаларнинг ўн фонизгина турма дардга чалинган. Қолган 90 фониз эса соғлом туғилган бўлиб, ота-оналарининг бепарволиги, эътиборсизлиги ва тиббий саводхонликнинг етишмаслиги натижасида болалар чақалоқлик даврида турли дардларга чалинишлари оқибатида ногирон бўлиб қолишган. Болажонларнинг

Харакатнинг Эллиққалъа туман Кенгаши амалга ошираётган ибратли ишлар ҳақида бир мунча тўхталиб ўтиш мумкин. Яхшиис кейинги сонларнинг биринчи эълон қилинадиган "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Эллиққалъа туман Кенгаши раиси Дилбар Шарипова билан бўладиган суҳбат билан танишсангиз, "Камолот"нинг янги қирралари ҳақида маълумотга эга бўласиз. Суратда: Эллиққалъалик "Камолот"чилар иш устида.

Рўкн материалларини Шавкат АЛЛАНАЗАРОВ тайёрлади

2002 ЙИЛ — ҚАРИЯЛАРНИ КАДРЛАШ ЙИЛИ

Юртимизда меҳор аънавалар ривож топаётганлиги барча юртдошларимизда фахр туйғусини уйғотмоқда. Сирғали тумани бешинчи мавзёда жойлашган "Ҳабибий" фуқаролари йилгини ташаббуси билан маҳаллада истиқомат қилаётган онахонлар, отахонлар иштирокида "Наврўз — боқий байрам" тадбири бўлиб ўтди. Тадбирда иштирок этган Нина Будакова: — Мен Ўзбекистонда яшаётганимдан, республика ҳукуматининг биз қарияларга эътибор ва эъзозидан жуда бахтиёрман, — деди. Бундай илм қаглар кишининг кўнглида ҳаётдан қониқиб ҳиссини уйғотди. Фуқаролар йилгини раиси Ҳамза Ҳакимов, маҳалла хотин-қизлар кенгаши раиси Тозагул Абдуллаевалар пиру бадавлат қарияларимизни эъзозласак маҳалламиз осийишга, фаровон бўлади, ёшларимиз ибрат олса арзиғулик жиҳатлари кўп кексаларимизнинг дейишди. Тадбирга тақлиф этилган Миллий академик драма театри актрисаси Муҳаддас Холиқова, хонандалар Маҳбуба Ҳожиматова, Гулсара Ибрагимовалар мўъжазгина давргаза завку шавқ улашишди.

ЁШЛАР МАРКАЗИНИНГ САВОБ ИШЛАРИ

Наманган вилояти Чортоқ ва Чуст туманлари Кизил ярим ой жамияти кенгашлари қошида ёшлар маркази очилди. — Марказни очишдан мақсадимиз туман ёшларининг беш вақтларини савоб ишларга йўналтиришдир, — деди халқро "Кизил хон" кўмитаси вакили Паоло Бернасconi "Туркистон-пресс" мўжбирига. — Уларга бу ерда биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш ўргатилди. Ногиронлар ва яқка-ёлғизларни холидан хабар олиш ҳамда уларга яқиндан ёрдам бериш ишлари амал-

ПИРОВАРА МАҚСАД — КОМИЛ ИНСОН

Жамиятимизда ҳозиргача қабул қилинган кўплаб қонуналар жаҳондаги энг мукамал конституциялардан бири деб тан олинган Комумизимиз асосида яратилаётганлиги, уларда халқ манфаатлари ифодаланганлиги келажакимизнинг ёрқин эканлигига қанолатдир. Қабул қилинган барча қонуналарда қомил инсонни тарбиялаш, уни буюк келажакнинг муносиб воясига даражасига кўтариш беш масала этиб белгиланган. Инсоният тарихига назар ташласак, қайси даврда оқилу донолар кўп яшаган бўлса тинчлик, омонлик ҳукм сурган, халқ ҳаёти фаровон, мамлакат обод бўлган. Шунинг учун Истиклол даврида тинчлик ва фаровонликни таъмин этиш, билимни, доно, қучли авлодни тарбиялаш барча масалалар ичида устувор этиб белгиланди. Утмиш ва ҳозирги замон мутафаккирларининг ахлоқ-одоб мавзусидаги асарларининг чоп этилиши ҳамда китобхоналарга етказилаётганлиги, маънавий-маърифий ишлар самарадорлиги фикримизнинг далилидир. Шунингдек, ёш авлодни гўёҳандлик, ичкиликбозлик, кашандаллик ва хар жил жамиятимиз учун, умуман инсоният учун ёт бўлган оқимлар, гуруҳларга қўшилиб қолишдан ҳимоя этиш, ўз-ўзини бошқариш органлари фаолияти ва омма орасидаги таъсирини кучайтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шу ўринда институтизмизда "Миллий истиқлол гоёси: асосий тушунча ва тамойиллар" фанининг ўқитилиши борасида амалга оширилаётган ишлар юзасидан мулоҳаза юритиш мақсада мувофиқдир. Уқитишни тақомиллаштириш ва муайян тажрибалар тўплаш мақсадида доимий ҳаракатдаги илмий семинар ташкил этилди. Унда барча факультет деканлари, кафедра мудирлари, бўлим бошлиқлари ва ижтимоий-гуманитар фанлар кафедралари аъзолари иштирок этидилар. Институт профессор-ўқитувчилари томонидан ҳам бир қатор услубий қўлланмалар чоп этилди. Уқитишда кўрғазмалиликни таъминлаш мақсадида "Миллий истиқлол гоёсини ўрганиш ва тарғиб қилиш маркази" ташкил этилди. Талабаларни маънавий-маърифий салоҳиятларини ошириш борасида "талабалар уйи" да талабалар касабаси уюшмаси кўмитаси ҳамда "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати институти бошланғич ташкilotли билан биргаликда "Талабанинг янги асри" мавзусидаги бадиий кеча, "Баркамол авлод ораси" мавзусидаги давра суҳбатлари, "Қуноқлар ва зукколар", "Нихол" кўрик-танловлари, "Навоийхонлик" ва "Машрабхонлик" ойлликлари, "Оғали юрт эркини бермас", "Ўзбекистон — Ватаним меним" қўшиқлар байрами мунтазам ўтказилиб турибди. Маънавият ва маърифат бўлими томонидан "Мурабийлик соат"лари учун мавзулар эълон қилиниб,

тегишли маълумотлар бериб боришда муваффақ бўлди. Мурабийлар ўз фаолиятларида талабанинг ижтимоий аҳволини атрофликка ўрганиш, у ҳақида барча маълумотларга эга бўлиш, талаба фель-атворининг ўзига хос қирраларини аниқлаш, шунга қўра индивидуал ёндошиш, ота-онаси, фан ўқитувчилари билан узвий алоқда бўлиш, талабанинг дарсларга иштироки, ўзлаштириш ва моддий аҳволига жиддий эътибор берадилар. Айниқса, талабаларнинг ота-оналари билан институт раҳбарияти ўртасидаги ўрашувлар мунтазам ўтказиб турилибди. Утган йили Новосибирск шаҳрида бўлиб ўтган Халқро конференцияда тарбиявий технология масалалари бўйича институти тажрибаси ёритилди ва нашрдан чиқарилди. Хуллас, институтида олиб борилаётган барча ишлар таълим-тарбия жараёнлари, ўтказилаётган маънавий-маданий тадбирлар ва бошқаларда қомил инсон тарбияси марказий ўрин эгалламоқда. Бу "Таълим тўғрисида"ги Қонун ва Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурида белгиланган дастувор вазифаларини ҳаётда изчил рўёбга чиқарилаётганидан далолатдир.

Турсунпўлат МИРЗАМАХМУДОВ, Наманган Мухандислик-педагогика институти проректори

Лутфулла МАМАСОЛИЕВ

Ю.ЖўРАЕВ

BURCH
Болалик қилиб тушунмабман

ҚИЁМАТ ҚАРЗ

Одатда биз машхур кишилар ҳаётидаги воқеаларни кўпроқ ўқиймиз, ёзамиз. Лекин... Бир кун отам уйимизга бир болали хотини етаклаб келди. Аёлнинг боласи оғир касал эди. Тўғриси, ўша пайтда отамнинг бу қилмишидан биз уйдагилар қаттиқ ранжидик. Аёл тўрт кун бизни қолди. Отам қўли энгил шифокор эмасми, болани шу кунлар ичида оёққа тургазди. Ўша аёл ҳозиргача оиламиз билан борди-келди қилади...

Мақтабда синфдошларим оталари тўғрисида мақтаниб гапирарди, мен эса жимгина уларга кулоқ солардим. Назаримда, отамнинг мақташга арзигулик машиниси ҳам, данғилла-ма ўчакчаси ҳам йўқ эди. Аспиди шифокор отам ҳақиқий санъат ва адабиёт шайдоси эди. Уйимизда Маъмуржон Узоқов, Комилжон Отаниёзов, Тамарахоним, Ҳалима Носирова, Ботир Зокиров ва бошқа санъаткорларнинг пластинкалари, кўшиқ сўзлари ёзилган дафтари ханузгача сақланади. Китоб ҳавонида эса Фирдавсийнинг "Шоҳнома", Навоийнинг "Ҳамса", Машрабнинг барча асарлари каби қўллаб бебаҳо адабиёт дурдоналари ўрин олган.

Энди ўйлаб кўрсам, мен ўшанда синфдошларим орасида отамни мақташга арзигулик бир дунё фазилатларини гапирсам бўлар экан. Буни болалиқ қилиб тушунмабман. Отамнинг трикиликда энг яхши фазилатларини тушунмаганим учун ҳамон афсусдаман. Ҳар гал отамни кўрсайман. Ҳаёлимда руҳлари мени доим қўллаётгандек туюлади.

Шохсанам ХУДОЁРОВА,
Сурхондарё вилояти
Узун тумани

МЕНИНГ ФИКРИМ

Бола нимани эшитса, шунини ўрганади

Дунёда юксак туйғулар бисёр. Лекин улардан энг улуғи — бу қадр туйғуси деб ўйлайман. Негаки, барча эзгуликларнинг илдизи баайни ушбу сўзга бориб тақалади. Бу беш кунлик дунёда одамзод бир-бирини қадрлар экан, демек, меҳроқибат абадийдир. Хўш, энди, айтингчи, қадрлаш тушунчаси, умуман эзгуликлар инсон қалбига қачон ин қуради? Албатта, болалиқда. Мурғакликда. Бола нимани эшитса, шунини ўрганади. Яхши гапни ҳам, ёмон гапни ҳам сўрамасдан, мулоҳаза юритмасдан "илиб" олади. Шундай экан, болакининг олдида эҳтиёт бўлиб гаплашиш. Бошланғич синфларда ўқиган кезлар қизиқ

одатларнинг гувоҳи бўлардик. Синфимиздан бирорта бола дарсга

изза бўлган бола нима қиларди дегн, бор аламини синфдошларидан оларди. Уйига қайтаётиб, кўзига ёмон кўринган синфдошини

ри, бояғидай аламзадаларни етиштирса... Эндиликда бошқача. Бугунги ўқувчи озод, эркин. Хоҳлаганча таълим олади. Мақтабларда болаларни қалтаклаш, уялтириш йўқ. Уларнинг яхши билим олишлари учун барча шароит муҳайё. Ҳатто мақтаблар ҳам компьютерлаштирилмоқда.

Жаннатмакон юртимиз ўзининг азалий орузларига эришди. Бу гўша фарзандларнинг қадр-қиммати баланд, хиймати олий. Нафақат жорий йилда, балки мустақилликдан кейинги ҳар бир кун, ҳар бир соат инсон манфаати, қадр, обрў-шаънини олдинги сафга олиб чиқиш йўлида сарф бўлаётган олтинга тенг дамлардир.

Максуд ЖОНИХОНОВ

БОЛА НЕГА АЛАМЗАДА?

Ёки қадр тушунчаси қалбга қачон «ин» қуради?

келмаса ёки қандайдир сабаб билан уйга берилган вазифини бажармай келса, ўқитувчимиз ўша "прогулчи"ни доска олдига тикка тургазиб роса уялтирарди. Дарвоқе, ўша кезде бундай ҳолат сизнинг мақтаб-ингизда ҳам бўлган. Бироқ шу гапни бугуннинг ўқувчисига айтиб кўрингчи, ажабланади. Кейин синфдошлари олдида

саваларди. Аламзада эди-да. Тўғри, бу ҳолатлар қайсидир маънода интизом йўлидаги уришлардир, аммо иккинчи томон учун ким жавоб беради? Мақтаб даври инсон умрининг энг ажойиб дамлари. Муҳими, жамиятнинг эртанги эгалари мақтабда шаклланади, вояга етади. Аммо бу мақтаб деганла-

ЎЗБЕК КИНОЛАРИ ЯПОНЛАРНИ МАФТУН ЭТДИ

Ўзбекистон Республикаси ва Япония ўртасида дипломатия муносабатлари ўрнатилганининг 10 йиллигига бағишлаб кунчиқар мамлакатда "Биринчи Ўзбекистон кинофестивали" бўлиб ўтди. Уни мамлакатимизнинг Токиодаги элчихонаси Япон жамғармаси билан ҳамкорликда ташкил этди.

Киноанжуман даставвал Токиодаги Япон жамғармаси биносидида бошланиб, Кавасаки шаҳридаги Кино мақтабда (Канагава префектураси), сўнгра эса Маебашини шаҳридаги марказий кинозалда (Гунма префектураси) давом этди. Фестивални ўтказишдан кўзланган асосий мақсад киномуҳлис-ларга ўзбек кино асарлари намуналарини намойиш этишигина эмас, балки икки мамлакат кино усталари ўртасида тўғридан-тўғри ҳамкорлик алоқаларини ўрнатишга кўмаклашишдан иборат эди. Кези келганда алоҳида кайд этиш лозимки, шу пайтга қадар Японияда МДХ давлатларидан ҳеч бири мамлакат кино санъатига бағишланган бундай тадбирни ўтказган эмас. Ушбу

маданий тадбирда "Ўзбекфильм" очиқ турдаги ҳисдорлик жамияти директори, таниқли кинорежиссёр Ю.Розиков раҳбарлигидаги делегация иштирок этди.

Ўзбекистон Республикасининг Япониядаги Фавқулодда ва мухтор элчиси М.Очилов биринчи Ўзбекистон кинофестивалининг очилиши маросимидида анжуман катнашчиларини кизгин қутлади. У фестивал ишига муваффақиятлар тилар экан, ушбу тадбир японияликларнинг ўзбек миллий маданияти, анъаналари ҳамда дийрими тарихига оид дунёқарашини янада кенгайтиришга хизмат қилиши баробарида икки мамлакат халқлари ўртасидаги дўстона алоқаларни янада мустаҳкамлашга кўмаклашишини алоҳида таъкидлади. Бугунга қадар жаҳоннинг қатор мамлакатларида ўтказилган халқаро танловларда бир неча бор мукофотларга сазовор бўлган Ю.Розиковнинг "Воиз" ва "Аёллар салтанати", З.Мусоқовнинг "Кичкина табиб" ҳамда япон кино усталари билан ҳамкорликда суратга олинган "Ойжон" фильмлари, шунингдек, М.Абзаловнинг "Чимилдик" номли асари япониялик киномуҳлислар томонидан ҳам жуда кизгин қутиб олинди. Киноанжуман доирасида "Ўзбекис-

тон кино санъатининг истиқболлари" мавзусидаги илмий-амалий симпозиум ҳам бўлиб ўтди. Унда Япониянинг машхур кино даргалари, режиссёр, танқидчи ва журналистлар иштирок этишди. Симпозиум катнашчилари бугунги ўзбек фильмлари бадиий жиҳатдан юксак маҳорат билан яратилганлигига гувоҳ бўлишганини эътироф этдилар. Мутахассислар ўзбек киносининг истиқболига катта умид билан қарашларини изҳор этар экан, келгусида ҳам бундай тадбирларни мунтазам ўтказиб туриш мақсадга мувофиқ бўлишини айтишди. Учрашувада икки мамлакат киночилари ўртасидаги ҳамкорлик алоқаларини янада кенгайтириш истиқболлари юзасидан ҳам ўзаро фикр алмашувлар бўлиб ўтди.

Японияда нашр этиладиган "Маиничи шимбун", "Эмиури шимбун", "Асахи шимбун", "Жомо шимбун" сингари газеталар, шунингдек, "ТБС" ва "NHK" телекомпаниялари киноанжуман ишини кенг ёритиб борди.

Б.АЛИМОВ,
«Жаҳон» АА
мухбири.
Токио

Кореялик ёшлар



Жаҳон Соғлиқни Сақлаш ташкилотининг (ЖСС) маълумотига кўра, Ер юзи аҳолисининг соғломлиги жараёни бошланган. Дейлик, XX асрнинг ўрталарида ўртача узок кўриш даври 65 ёшни ташкил қилган бўлса, бугунга келиб 75 ёш, деб белгиланмоқда. Бунга ўрта ривожланган ҳамда ривожланмаган давлатларда ҳам тиббий-санитария ва ижтимоий хизмат кўрсатишининг яхшиланиб бораётганилиги ўз таъсирини ўтказмоқда. Шунингдек, ёш болаларда учрайдиган турли юқумли касалликларга қарши ишлаб чиқарилаётган вакциналарнинг самараси юқори бўлмоқда.

ЖССни ташвишга солаётган муаммолардан бири гиёҳвандлик моддаларни истеъмол қилувчилар сони ортиб бораётганидир. Энг ачинарлиси эса шприц орқали қонга юборилаётган гиёҳванд моддалар инсоният саломатлигига жиддий хавф туғдирмоқда. Бир йилда Ер юзи аҳолисининг 160 мингдан 200 минг нафари, айнан, гиёҳвандлик моддаларини истеъмол қилиш натижасида нобуд бўлмоқда.

Хозирги кунда баркамол авлодни вояга етказиш ўта ривожланган давлатлар учун ҳам долзарб масалалардан бирига айланди. Республикада ёшларга эътибор кучайди. Уларнинг соғлом, баркамол ўсиб-ўлғайиши учун барча шароитлар яратилди. Шунга қарамай, хорихий мамлакатлардан худудимизга сукулиб кираётган ОИТС (СПИД) нинг олдини олиш, вабога етакловчи манбаларни таг-томири билан қўпориб ташлашда баъзи

балки барчамиз тушунтириш, тарғибот ишларини олиб боришимиз шарт. Бунинг учун махсус қўлланмалар яратилиб, кўргазмали куруллар асосида мақтаб, лицей, коллежлар дарсликлари қаторига киритилиши бугунги кун талабидир. ОИТСнинг ўзи нима, деган савол кўпчиликини қизиқтириши табиий. Бу ортирилган иммунитет танқислиги синдроми,

ОИТСнинг ўчоғи борми?

Биринчи мақола

дейлади. Тиббиётдан маълумки, иммунитет инсон организмида доимий ҳаракатда бўлган заррачалардир. Улар озиқ-овқат маҳсулотлари, ичимликлар орқали организмга тушади, юқумли ва юқумсиз касаллик тарқатувчи микроорганизмлар зарарсизлантиради. Ортирилган баъзан онгли, баъзан онгсиз, эҳтиёсизлик натижасида вабони юктириб олишди. "Аср вабоси" шундай дардики, у ҳар қандай шароитда олиб, моноцитлар, макрофаглар ҳамда бош мия, орқа мия суюқлиги ичига кириб, уларнинг фаолиятини ҳам издан чиқаришга эришади. 1991 йилда Ер юзи аҳолисининг 250 минг нафари ОИТС билан хасталанган бўлса, 1999 йилга келиб уларнинг сони 35 миллионга етган, шундан 13,5 миллиони хасталик туйфайли вафот этган. Маълумки, бундан олдин ҳам ОИТСга ўхшаш ваболарга одамлар чалиниб туришган. Масалан: 1347-50 йил-

ларда Оврупанинг савдо йўллари бўйлаб Италиядан Швециягача масофада сароб сингари ҳаракатланган "Қора ўлим" вабоси 75 миллион кишидан 30 миллион нафарининг ўлимига сабаб бўлган эди. ОИТСни ҳам кўпчилик олимлар "Қора ўлим" вабосига ўхшатишмоқда. Академик В.Покровский: "Яқин йиллар ичида ОИТС инфекциясининг профилактикаси ва уни даволаш учун эффективли дори-дармон воситалари топилмаган экан, аввало алоҳида мамлакатларда, сўнгра бутун инсоният олдида ўлим хавфи тўғноқ бўлади", деган эди Халқаро симпозиумда. Эндиликда ОИТС тўғрисида жиддий ўйлаб, бош қотирадиган фурсат етди. Шунингдек, дунё олимларининг таъкидлашича, мабода ОИТС инфекцияси Ер шарини аҳолисининг 20 фоизини ташкил этадиган бўлса, турғилишдан кўра ўлим кўпайиб планетада одамлар сони кескин камайиб кетиши эҳтимолдан холи эмас экан.

Бу вабо илк бор 1981 йилда АҚШда ОИТС касаллиғи сифатида таърифланган. 1987 йилга келиб касалланганлар сони 930 тага, тахминий юқтирилганларнинг сони эса 60 мингга етган экан. Собик шўролар даврида биринчи вирус ташувчи шахс 1985 йилда қайд этилган. 1991 йилдаёқ 60 дан ортик мамлакатда "ОИТС касаллигини олдини олиш тўғрисида" қонун чиқарилган. Ишлаб чиқилган дастур учун шўролар 10 миллион рубль ажратган бўлса, АҚШ 1.6 миллиард доллар ажратган. Лекин, кўрилган чоратадбирларга қарамай, бу вабо вирусини ўн-ўн беш йил ўтиб 35 миллион нафар одамда мавжудлиги аниқланган. Эндиликда келажак авлоднинг соғлом, баркамол униб-ўсишини таъминлаш мақсадида тарғибот-ташвиқот ишларини кучайтириш, оила қураётган ёшларни тиббий кўриқдан ўтказишни қатъийлаштириш, вабони даволашдан кўра олдини олишга эришиш шарт. Айниқса, олий ўқув юртига ҳужжат топшириш ниятидаги ҳамда харбий хизматга қақирилган ёшларнинг баъзида пул эвазига тиббий қозоқ олишларини мутлақо чеклаш муҳим аҳамиятга эга. Буни аввало тиббиёт ходимлари чуқур англаб етишлари керак.

Акбархон МАГДИЕВ,
ЮНИСЕФ РР
координатори.
Юсуф ЖўРАЕВ,
«Turkiston» мухбири

MUTOLAA

Илмий ходимлар ва аспирантлар ҳам фойдаланишлари мумкин

ҲАММАБОП ҚЎЛЛАНМА

Филология фанлари номзоди, Қарши Давлат университетини ўзбек адабиёти кафедраси доценти Абдурахмон Пиримқулловнинг "Моҳият ва маҳорат" рисоласи Ўзбекистон Республикаси "Фан" нашриётида чоп этилди. Китобчада XIX аср Хоразм адабий муҳитининг етакчи вакили Мухаммадризо Огаҳийнинг бир қатор маснавийларида моҳият ва маҳорат муаммолари таҳлил қилинган. Рисола муқаддима ва хотимадан ташқари яна икки бобдан таркиб толган. Биринчи бобда тадқиқотчи шоир маснавийларининг манбаларига илмий шарҳ беради. Сўнг улар мавзу ва гоё жиҳатидан гуруҳларга ажратилади. Ишқий, ижтимоий-сиёсий ва ахлоқий-тарбиявий маснавийларнинг гоёвий-бадиий хусусиятлари таҳлил қилинади.



Иккинчи бобда эса ёш олим шоирнинг ўзига хос образ яратиш ва анъанавий тасвир усулларидан фойдаланиш маҳорати хусусида баҳс юритади. Иқтибосларнинг биринчи манбаларидан олиниши, улар моҳиятан бугунги интеллектдан шахс дунёқароши ва миллий истиқлол мафқураси тамойилларига хизмат этиши, таҳлилда холислик, муқояса, мушоҳадакорлик, илмий таҳлил натижасида ўртага қўйилган хулосалар рисоланинг илмий-назарий савиясини оширган. Ёш олим ижтимоий-сиёсий маснавийлар таҳлилида Огаҳий ва Феруз муносабатларининг янги қирраларини очига иштилади. Шунингдек, шоирнинг сиёсий-фалсафий гоёларини юзага чиқаришда хизмат қилган одил ҳукмдор ва унга тегишли тасаввуфий тисолларнинг таҳлил қилиниши ҳам диққатга лойиқ.

Китоб олий ўқув юртининг ўзбек филологияси факультети талабалари учун ўқув қўлланма сифатида тайёрланган бўлса-да, ундан тил-адабиёт ўқитувчилари, илмий ходимлар ва аспирантлар ҳам фойдаланишлари мумкин.

Гулчеҳра ИМОМОВА,
Қарши Давлат университети доценти

Амударё қирғоқлари



Абдуғани ЖўМАЕВ олган сурат

МЕҲР БОҚИЙ

Болалик — пошшолик. Инсон умрининг энг ёрқин хотиралари унда мужассам. Оқшом эрталари қир-адирларда, чангли йўлларда қолиб кетган, у беғубор дамларни бот-бот эслайман. Ҳар гал болалиқни хотирлаганда, Шарофат бувим кўз олдимда гавдаланади. Мен бувимнинг ёлғиз ўғли, яъни отамнинг бош фарзанди бўлганим учунми, кўпроқ менинг тарбиячим, суянчим, химоячим бувим эдилар. Кўчада ёки уйда бирон-бир ноҳўя иш қилиб қўйсам, отам ва онамнинг бермоқчи бўлган жазоларидан бувим кўтариб қолардилар. Баъзан отам қаттиқроқ гапирсалар, бувимнинг хоналарига йўғлаб кирардим. Раҳматли менга қўшилиб, кўзларига ёш олиб, отамга урушиб гапирардилар. Кунлар, ойлар, йиллар ариқдаги жилдирак сувлар каби оқиб ўтаверди. Улғайиб, мақтабни битириб, олий ўқув юртига кирдим. Йиллар бувим билан мени узоклаштирди. Бу орада уйландим, фарзандли бўлдим. Энди ўғилчам бувимнинг овуноғига айланганди. Уригидан данаги ширин, деб чеварасини шу қадар яхши кўрардиларки, ҳаммадан кизғонардилар. Тақдирнинг аччиқ қисматлари кўп экан. Ўғлим Абдулазизжон ёшидан ўтиб, ҳаётдан кўз юмди. Бу айрилиқ бувимнинг қаттиқ қайғуришига сабаб бўлди. Инсон қаттиқ меҳр қўйган кишидан айрилса, баъзан дош беролмас экан. Бувим бечора ҳам орадани бир ой ўтар-ўтмас қазо қилдилар. Бир-биридан шўх ўғил-қизларим даврасида, гоҳ шодон, гоҳ махзун дамларда бувимни хотирлайман, эслайман. Ёшим ўттиздан ошган бўлса-да, баъзан библи-билмай хато қилиб қўйиб, халигача отамдан, онамдан дашномлар эшитаман. Меҳрибонларим мени қайғурилди. Ўша дамларда сизнинг меҳрингизни, беозор чеварангизни кўмсаб қоламан, бувижон. Сиз умрингизнинг жуда кўп қисмини қийинчилик, оғир кунлар билан ўтказдингиз. Турмуш ўртоғингиздан жуда эрта ажралдингиз. Отам билан амманми катта қилиб, уйли-жойли қилдингиз. Умрингизни фарзандлар, набиралар тарбиясига бағишладдингиз. Ҳа, меҳрибоним, бувижоним, сиз фарштаннинг ўзгинаси эдингиз. Тириклик чоғингизда баъзан ёшлик, болалиқ қилиб, қадрингизга етмаган эканман. Буни энди англаб ет-яман.

Содиқ НАМОЗОВ,
«Turkiston» мухбири

